

“Давлат тиббий суғуртаси” жамғармасидаги ўрганиш

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасида суғурта механизмлари жорий этилиши ҳамда давлат бюджетидан ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали фойдаланилиши текширилди.

Жамғарма томонидан 2021-2022 йилларда тиббиёт муассасалари учун **Сирдарё вилоятига 614,6 млрд сўм**, **Хоразм вилоятига 2,9 млрд сўм**, имтиёзли йўлланмага эга беморларни даволаш учун тиббиёт муассасаларига **601,0 млрд сўм** ва жамғарма ижро этувчи аппаратини сақлаш харажатларига **24,9 млрд сўм** маблағ жами **1 243,4 млрд сўм** сарфланган.

Ўрганишлар натижасида қатор хато ва камчиликлар аниқланди.

Масалан, педиатрия илмий-амалий тиббиёт марказида тиббий сарф харажат таннархини тузишда давр харажатлар қисмига кўзда тutilмаган даромадлар асоссиз киритилиши ва амортизация харажатлари нотўғри ҳисобланиши сабабли жамғармадан 2,5 млрд сўм маблағ ортиқча ажратилган.

Назорат тадбири якуни билан расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами ҳуқуқий баҳо бериш учун Бош прокуратурага юборилди.